2011 йил 31 март, пайшанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 63 (11.874)

Баҳоси эркин нархда

## XXI аср садоси

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

# ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

**Пойтахтимиздаги муҳташам «Туркистон» саройида Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун тадбиркорлар, ҳунармандлар ва фермерлар ўртасида ўтказиб келинаётган «Ташаббус-2011» кўрик-танловининг республика босқичи бўлиб ўтди.**



## «Ташаббус-2011»

## ЭЛ-ЮРТГА МАДАДКОРЛАР

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳақиқий рақобат майдони бўлган, иштирокчиларнинг меҳнатига яраша муносиб рағбатга сазовор этадиган мазкур тадбирнинг йилдан йилга нуфузи тобора ортиб бормоқда. Буни нафақат кўрик-танлов иштирокчиларининг сони ортиб бораётгани, балки уларнинг изланишу заковатлари, билим ва маҳоратлари юксалаётгани, тайёрлаётган маҳсулотлари ички ва ташқи бозорда рақобатбардошлиги билан ўрин топаётгани, энг замонавий технологик линиялардан самарали фойдаланилаётгани, янги ишланма ва лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилаётганида яққол кўриш мумкин. Президентимиз ташаббуси билан анъанавий тарзда ўтказилаётган мазкур кўрик-танловнинг ўтган йиллардаги самараси хусусида тўхталиш жоиз бўлса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик, халқ амалий ҳунармандчилигини ривожлантиришда, уларнинг энг илғор ғояларини амалиётга жорий этишда, ташаббусларининг қулоч ёзишида катта аҳамият касб этмоқда. Иштирокчи ва ғолибларнинг муносиб рағбатларга сазовор бўлиши эса янги изланишларда, истеъдодлари қирралари очилишида, хорижий ҳамкорлар билан алоқаларни янада мустаҳкамлашларида, сирасини айтганда, олға интилишларида, мамлакатимиз иқтисодиёти равнақига салмоқли ҳисса қўшишларида аксини топмоқда. Албатта, янги иш ўринлари ташкил этишда ҳам уларнинг ҳиссалари беқиёс бўлиб, ўтган йилда очилган 950 мингдан зиёд иш жойларининг 600 мингдан ортиғи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик соҳасига тўғри келмоқда. Шунингдек, 210 минг нафар аҳоли касаначилик асосида фаолият юритаётганини ҳам айтиш жоиздир.

Бир ой давомида кўрик-танлов мамлакатимизнинг туман (шаҳар) ва Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятларда кўтаринки руҳда ўтказилиб, уларда 6,5 мингга яқин иштирокчилар кўзда тутилган шартлар бўйича ўзаро беллашишди.

Айтиш жоизки, кўрик-танловнинг якуний босқичига етиб келиш, аввало ушбу майдонга чиқиб, Президент совринига даъвогарлик қилишнинг ўзи бир шараф, десак асло муболаға эмас. 41 нафар тадбиркор, ҳунарманд, фермер беллашган тадбирда ташкил этилган маҳсулотлар кўргазмаси кўпчиликнинг эътиборини тортди. Ушбу намойиш маҳсулотларнинг юқори сифати, талабларга мос қадоқланиши, ўзгача жозибаси, импорт товарлар ўрнини боса олиши билан аҳамиятлидир. Улар орасида мебель ва қурилиш, енгил саноат ва тўқимачилик, қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат маҳсулотлари, ҳунармандчиликнинг кўплаб йўналишлари бўйича бетакрор буюмлар айниқса кўпчилик томонидан эътироф этилди. Буларнинг барчаси ғолиблик шоҳсупасигача етиб келган, юрт равнақи, эл фаровонлиги йўлида тинимсиз меҳнат қилаётган иштирокчиларнинг изланишлари самарасидан ёрқин далолатдир.

Иштирокчилар қаторида мебель маҳсулотлари билан бозорда ўрин топган «E'tiqod» хусусий корхонаси ва лок миниатюраси устаси, ҳунарманд Камолиддин Абдуллаев шаҳримиз шарафини ҳимоя қилишди. Албатта, уларнинг изланишлари, янгилик яратиш йўлидаги интилишлари, давр билан қадам-бақадам одимлаётгани эътирофга лойиқ.

— Президент совринини қўлга киритиш қайси ҳамкасбимизга насиб этишидан қатъи назар, мазкур нуфузли кўрик-танловда иштирок этиш, мамлакат миқёсидаги босқичига етиб келишнинг ўзи қувончли ва ғурурли, — дейди «E'tiqod» хусусий корхонаси директори Абдуғани Қосимов. — Тадбир беллашув майдони бўлиб қолмай, ўзаро ҳамкорлик, тажриба алмашиш, меҳнатларимизнинг баҳосидан баҳраманд бўлиш учун қулай имкониятдир.

КЕЧА ҳайъат аъзолари томонидан кўрик-танловнинг «Йилнинг энг яхши тадбиркори», «Йилнинг энг яхши фермери», «Йилнинг энг яхши ҳунарманди» каби асосий ҳамда «Энг ёш тадбиркор», «Энг яхши бизнес ғоя», «Менинг юртим — менинг фахрим», «Йилнинг энг яхши аёл тадбиркори» сингари бошқа қўшимча номинациялар бўйича ғолиблар аниқланди.

Унга кўра «Йилнинг энг яхши тадбиркори» деган юксак ном «Samin Turkiston» МЧЖ раҳбари Бахтиёр Умаров (Наманган вилояти)га насиб этди. «Йилнинг энг яхши фермери» йўналишида «Боғу бўстон» фермер хўжалиги раҳбари Носир Тўрақулов (Сурхондарё вилояти), «Йилнинг энг яхши ҳунарманди» йўналишида уста кулол Шариф Азимов (Самарқанд вилояти) ғолиб бўлишди.

Уч асосий номинация бўйича биринчи ўрин ғолибларига олтин медаль ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг совринлари — «Spark» автомобиллари топширилди.

Пойтахтимиздаги «E'tiqod» хусусий корхонаси эса «Ёшлар учун энг яхши иш берувчи корхона» номинацияси ғолиблигини қўлга киритди.

Ғолибларнинг дил қувончлари ва ҳаяжонларини сўз билан таърифлаб бўлмайди. Энг муҳими соврин эгаларини топганидадир.

Ҳаяжонлари юз-кўзларидан сезилиб турган ғолиблар ва совриндорларга Диплом ҳамда қимматбаҳо мукофотлар топширилди. Санъат усталари ва эстрадамиз юлдузлари ижросидаги дилрабо куй-қўшиқлар йиғилганларга бир олам завқ бағишлади. Ҳа, рағбатлар энг яхшиларга насиб этди. Уларга қарата «Барака топинг, фермер, ҳунарманду тадбиркорлар — эл-юртга мададкорлар!» дегинг келади.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Арипов иштирок этди.

**Шарифа ИЛЁСОВА**

**СУРАТДА: «Ташаббус-2011» кўрик-танловининг республика босқичидан лавҳа.**

**Козим Ўлмасов олган сурат**

## ҲУЖЖАТ ИМЗОЛАНДИ

**Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасида 30 март куни Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлиги ҳукумати ўртасида божхона иши соҳасида ўзаро ёрдам тўғрисидаги битим имзоланди.**

Мазкур ҳужжат икки мамлакат ўртасида божхона божлари, солиқлар ва бошқа тўловларнинг аниқ ҳисобланиши, шунингдек, божхона қиймати ва товарлари келиб чиқишининг тўғри белгиланишини таъминлаш, ушбу йўналишда қонун бузилишларнинг олдини олиш ва божхона соҳасида ўзаро ҳамкорликни кўзда тутади.

Иордания – Ўзбекистон билан муносабатларни фаол ривожлантираётган давлатлардан бири. Икки мамлакат ўртасида савдо муносабатларини янада ривожлантириш, Иорданиянинг етакчи фирма ва компаниялари билан мамлакатимиз ишбилармон доиралари ўртасидаги мулоқотларни кенгайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасидаги алоқаларни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

– Иордания Ўзбекистон билан муносабатларни изчил ривожлантириш тарафдори, – деди Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлигининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Муваффақ Муҳаммад Аҳмад Ажлоуний. – Имзоланган ушбу ҳужжат Ўзбекистон билан бошқа йўналишлар қатори божхона соҳасидаги ҳамкорликни ҳам янада ривожлантиришга хизмат қилади.

**Мадина УМАРОВА,**
**ЎзА мухбири**

**Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Диний бағрикенглик ва динлараро муносабатлар» мавзуида матбуот анжумани бўлиб ўтди.**

## ТИНЧЛИК ВА БАРҚАРОРЛИКНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда тегишли вазирлик ва идоралар, жамоат ва диний ташкилотлар вакиллари, олий таълим даргоҳларининг профессор-ўқитувчилари, мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Конференцияда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита раиси вазифасини бажарувчи О.Юсупов, Ўзбекистон Мусулмонлари идораси раиси, муфтий У.Алимов, Рус православ черкови Тошкент ва Ўрта Осиё Епархияси Митрополити Владимир ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда фуқароларнинг дин ва виждон эркинлигига оид ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, миллатлараро ва диний конфессиялар ўртасидаги ўзаро аҳиллик, бағрикенглик, ҳамжиҳатлик тамойилларига қатъий амал қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидладилар. Юртимизда эътиқод, виждон эркинлигига доир кафолатлар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларида қатъий белгилаб қўйилган. Айни пайтда миллий-маданий, эзгу мақсадларга йўналтирилган диний-маърифий қадриятларни тиклаш ва ривожлантириш, буюк аждодлар меросини ўрганиш, чуқур тадқиқ этиш, муқаддас қадамжоларни тиклаш, таъмирлаш ва ободонлаштириш юзасидан кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда юртимизда бир юз ўттиздан ортиқ миллат ва элат, ўн бешдан зиёд диний конфессия вакиллари ўзаро аҳиллик ва тотувликда яшаб, Ватанимиз равнақи йўлида самарали меҳнат қилмоқда. Юртдошларимизни, айниқса, ёшларни муқаддас ислом дини ва фалсафаси, улуғ аждодларимизнинг ибратли ҳаёти, қутлуғ қадамжоларига, шу билан бирга, бошқа диний конфессияларга нисбатан ҳурмат-эҳтиром ва бағрикенглик руҳида тарбиялаш, жамиятимизда соғлом турмуш тарзи, миллатлараро тотувлик, ўзаро меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Динлар тарихи, маданияти, фалсафасига оид билимлар, илмий-маърифий таълимотлар Тошкент ислом университети, Тошкент ислом институти ва ихтисослаштирилган ўқув муассасаларида пухта ўргатилмоқда. Ўзбекистонда турли динларга мансуб фуқароларнинг ўз диний арконлари ва амалларини эмин-эркин адо этиши учун барча шароит яратилгани баробарида диний жамоалар, ташкилотларга қонун доирасида очиқ ва дахлсиз фаолият кўрсатиш имконияти берилган.

(Давоми 2-бетда)

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

*Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.*

✓ **ОЛМАЗОР** тиббиёт коллежида саломатлик ва тиббий статистика институти шаҳар филиали ташаббуси билан уюштирилган конференция «Соғлом она — соғлом бола» мавзусига бағишланди.

✓ **ГЛИЭР** номидаги республика мусиқа академик лицейида ўқувчи-ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш масалаларига бағишланган давра суҳбати ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари иштирокида ўтказилди.

✓ **БУГУН** пойтахтимизда «Ўзбекистон автойўллари: бугун ва истиқбол» мавзуида бўлиб ўтган анжуманда соҳа мутахассислари ва журналистлар иштирок этди.

## МАМЛАКАТИМИЗДА

**● Пойтахтимизда Ўзбекистон Врачлар ассоциацияси кенгашининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида фаолият юритаётган шифокорлар, тиббиёт илмий-текшириш институтларининг мутахассислари иштирок этди.**

**● Андижонда Наврўз айёми кунларида Хўжаобод туманидаги «Янгичек» маҳалласида намунавий лойиҳалар асосида бунёд этилган 30 та турар жой ҳамда Фақирқишлоқ депарасидаги 15 та замонавий уйнинг калитлари ўз эгаларига тантанали равишда топширилди. Зарур коммуникация тармоқлари билан таъминланган ушбу муҳташам ҳовлиларда уй тўйлари сумалак сайилларига уланиб кетди. Таъкидлаш керакки, ҳар икки турар жой мавзесини бунёд этиш учун 3 миллиард 128 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди.**

**● Ўзбекистон Республикаси банк-молия академиясида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Микрокредит ташкилотлари ва кредит уюшмалари миллий ассоциацияси ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ҳамкорлигида «Микромолиялаштириш тизими ривожланиши босқичлари ва истиқболлари» мавзусида семинар бўлиб ўтди.**

**● Навоий вилоятининг Қизилтепа туманидаги Ванғози қишлоғида «Иш кийими таъминоти» хусусий корхонаси ишга туширилди. Тадбиркор Умид Нарзиев ушбу лойиҳани амалга ошириш учун 75 миллион сўмлик банк кредити ҳамда ўз маблағидан самарали фойдаланди. Ҳозир 12 киши меҳнат қилаётган корхонада замонавий тикувчилик дастгоҳлари ёрдамида 15 хилдаги коржома, қўлқоп каби махсус кийим-кечаклар тайёрланмоқда. Ўтган қисқа муддатда жамоа буюртмачиларга 34 миллион сўмлик маҳсулот етказиб берди.**

**● Самарқанд шаҳридаги «Афросиёб» спорт мажмуасида мактаб ўқувчилари ўртасида енгил атлетика бўйича «Баҳор маликалари-2011» спорт мусобақалари бўлиб ўтди. Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташаббуси билан ташкил этилган тадбирда мезбонлар, Бухоро, Навоий, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларидан икки юз нафарга яқин қиз иштирок этди.**

**● Урганчда шаҳар ҳокимлиги, бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати кенгаши ҳамкорлигида меҳнат ярмаркаси ўтказилди. Унда қиркдан зиёд корхона ва ташкилот 350 дан ортиқ бўш иш ўринларини таклиф этди.**

## ЖАҲОНДА

**● Канада парламенти қуйи палатасининг 308 депутатидан 156 нафари, яъни парламент кўпчилик асосий қисми ҳукмрон Консерватив партия вакилларидан иборат мамлакат ҳукуматига ишончсизлик вотуми эълон қилди.**

**● Мексика кўрфазида пайдо бўлган янги доғ нефть қуйилиши аломатларини кўрсатмоқда. Мазкур доғ 4,8 дан 9,6 километргача бўлган масофани эгаллаган. АҚШнинг қирғоқларни қўриқлаш хизмати вакилининг сўзларига кўра, сув сиртидаги бундай доғ таркибидаги модда ҳали ҳам номаълумлигича қолмоқда. «Fox News» нашрининг ёзишича, 2010 йилнинг апрель ойида авария ҳолатида сувга ғарқ бўлган нефть қазиб олувчи «Deepwater Horizon» платформаси ҳам ушбу ғайриоддий доғ пайдо бўлган ердан йигирма миль узоқликда аниқланган.**

**● АҚШнинг Теннесси штатида умргузаронлик қилаётган ихтирочи қария Гарри Кувер 94 ёшида юрак хуружидан вафот этди. У бугунги кунда ҳаммага маълум ва машҳур бўлган суперелим ихтирочиси эди.**

**● Индонезия пойтахти Жакарта шаҳридаги аэропортда 40 та бўғма илонни олиб ўтишга уринган икки йўловчи қўлга олинди. Аэропорт вакилининг хабарига кўра, самолёт Бирлашган Араб Амирликларининг Дубай шаҳрига йўл олиши керак эди. Маълум қилинишича, қонунбузарлар учиш ҳудудида ушланган, уларнинг юклари орасида ухлатиб қўйилган илонлар топилган. Контрабандачилар етти йилгача озодликдан маҳрум қилиниши ва 32 минг доллар миқдорида жаримага тортилиши мумкин.**

